

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 44 (10.097)

2004 ЙИЛ 4 МАРТ

## ЯГОНА МАҚСАД САРИ

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) 2003 йил май ойида Москвада ўтган саммитида унинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди.**

Шунга биноан жорий йилнинг 1 январидан пойтахтимизда ана шу кўмита ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни мазкур муассаса билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари бинонинг безакларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирди. Ислом Каримовнинг фикрича, бино шундай қиёфа касб этиши керакки, унда оддийлик ва улугворлик ўзаро уйғунлашсин.

Бу ерда муҳташам мажлислар зали, матбуот анжумани ва бошқа тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, меҳмонхона мавжуд. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президент тузилманинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйилганини таъкидлади.

ШХТга аъзо давлатлар террорчиликка қарши курашда ўз куч-қудрати, имкониятлари, тажрибаси, услубларини ушбу тузилмада бирлаштириши, мазкур иллатга қарши ҳамкорликда курашиши керак. Бунда ахборот алмашувига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

— «Террорчиликка қарши кураш» деган ибора ҳозир халқаро доирада жуда кенг тарқалган, - деди Ислом Каримов. - Айримлар сохта обрў орттириш учун ҳам бу масалага урғу беради. Ваҳоланки, террорчиликка қарши сўзда эмас, амалда, қатъият билан курашмоқ зарур.

Тузилманинг асосий аҳамияти - ахборот ва маълумот-



ЎЗА  
Абдувоҳид Тўраев олган сурат

ларни тўплаш, ШХТга аъзо давлатлар вакилларининг бир жойда ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратади. Шу билан бирга ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Хар соҳада бўлгани каби террорчиликка қарши курашда ҳам ҳар бир давлатнинг ўз сиёсати мавжуд. Лекин ўзаро яқин ҳамкорликда ҳаракат қилингандагина кутилган самарага эришиш мумкин, деди мамлакатимиз раҳбари.

## XXI саҳоси

### Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган аънавий «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Сирдарё ва Андижон вилоят босқичлари якунланди.

● Республика Товар-хом ашё биржаси ватанимиз истеъмолчиларига автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини сотиш бўйича биринчи электрон биржа савдосини ўтказди.

● Бухородаги 30-ўрта мактабда Канада халқаро ривожланиш агентлиги (CIDA) вакилларининг ёш ҳуқуқшунослар клуби аъзолари билан учрашуви ўтказилди. CIDA ходимлари мазкур агентликнинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари ва истикболдаги вазифалари хусусида маърузалар қилишди.

● Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар санъат коллежида «Қамолот» ЕИХ вилоят Кенгаши ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими ҳамкорликда «Ёш эстрада хонандаларининг кўшиқ байрами» вилоят кўрик-танловини ўтказди.

● Республика Ўқувчилар саройида «Дўст билан обод уйинг» мавзусида фестивал ташкил этилди.

● «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки Наманган шаҳри, Қарши, Шахрисабз ва Сирдарё туманларида 6 та янги мини-банк очди.

### Жаҳонда

● Ироқнинг йирик шаҳарлари бўлиш Бағдод ва Карбалада кетма-кет бир нечта террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, мазкур қабих ҳаракатлар оқибатида ҳар иккала шаҳарда 143 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқини тан жароҳати олди.

● Австралия шимоли-шарқида ёмғир аралаш бўрон давом этмокда. Кўпгина кўчалар сувга гарқ бўлди, мактаблар ва давлат муассасалари ёпилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур бўрон яна бир неча кун давом этиши мумкин.

● Эрон полицияси ўтказган 4 та махсус тадбирлар натижасида мамлакатнинг ғарбий вилоятларида 640 килограмм атрофида гиёванд моддалар топилиб, мусодара қилинди.

● Американинг NASA агентлиги мутахассисларининг таъкидлашича, январь ойида Марс сайёрасида тадқиқот ўтказган «Оппортьюнити» ўзи юрар робот аппарати мазкур сайёрада бир вақтлар ҳаёт бўлганлигидан дарак берувчи белгиларни топган. Аппарат Марсда қачонлардир сув бўлганлигининг изларини топди.



13-14 март — Умумхалқ ҳашари

### МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

Ўлкамизга яратиш, яшатиш айёми, фасллар келинчаги баҳор кириб келиши билан ободончилик, кўкаламзорлаштириш, атроф-теваракни саранжом-саришталаш юмушлари бошлаб юборилади.

Юртимизни, пойтахт шаҳримизни янада кўркем, гулу чечакларга бурканган сўлим ва ораста масканга айлантириш учун ҳар йили, аънавий тарзда ҳашарлар ўтказиб келинмокда. Бу йил ҳам 13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ ҳашари эълон қилинди.

Ҳашар кунлари маҳаллалар, қорончалар, ташилотлар худудлари, кўча ва хиёбонлар, ариқ ва зовурлар, бутун борлиқ тартибга келтирилиб, озода, саранжом-саришталаш қилинади. Анвойи гуллар, мева ва манзарали дарахтлар ўтказилади, борларига эса шакл берилиб, қуриб қолганлари олиб ташланади.

Умумхалқ ҳашарини ўтказишда маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатиб, фуқароларни «Ҳашар — элга ярашар» нақлига амал қилиб кенг иштирокла-

рини таъминлайдилар. Бу борада ҳозирда ишчи гуруҳлари ва комиссиялари тузилди ва улар режалари ишларни олиб борадилар.

Маълумки, азал-азалдан халқимиз ҳашар йўли билан улкан ва эзгу ишларни амалга оширганлар. Ўтказиларидиган ҳашарларда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишиларга бажонидил иштирок этиб, савобли юмушларга озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшганлар. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳамша-

ҳарларимизни умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этишга чақириб, «Меҳр ва мурувват» йили дастурига мувофиқ, аҳолининг ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланишини тилаб қоламиз.



**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунли**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСКА**  
сатрирдо

- **КЕЧА**дан Собир Раҳимов туманидаги «Булоқ» сув ҳавзасида 14-17 ёшли қизлар ўртасида сузиш бўйича спорт мусобақалари бошланди.
  - **МАКТАБ** ўқувчилари ўртасида «Тоza муҳит — соғлом авлод гарови» шиори остида экология фанидан рефератлар кўрик-танлови эълон қилинди. Фолиблар ёзги таътилларини Бўстонлик туманидаги оромгоҳда ўтказиш имконига эга бўладилар.
  - **БУГҲН** Собир Раҳимов туманидаги Талабалар шаҳарчасида жойлашган «Ёшлик» қаҳвахонасида Хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган «Ўзаллик дунёни қутқаради» мавзусидаги тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди.
  - **КЕЧА** 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган конференция бўлиб ўтди.
  - **КЕЧА** Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамкорликларида ўсмир қизлар ўртасида стол тенниси, сузиш бўйича уюштирилган спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Бугун қалбларимизни шодлик ва қувончга тўлдириб, атрофга гулу чечаклар уфорини таратиб гўзал баҳор ўз сепини ёймоқда. Улкамизда Наврўз нафаси кезмоқда. Яшариш, янгиланиш, меҳр-мурувват, эзгулик байрами Наврўз айёмини шодиёна руҳда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик давом этмоқда. Айни кунларда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарликнинг бориши ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий-ижодий гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида байрам тантаналарининг бадий раҳбари ва бош режиссёри—Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Рустам ҲАМИДОВГА бир нечта савол билан муурожаат қилдик.

## НАВРЎЗГА ҲОЗИРЛИК

— Рустам ака, маълумки бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшакисида Наврўз айёмини хушқайфият ва ёруғ юз билан кутиб олиш учун қизгин тараддув кетмоқда. Бу йилги байрамнинг асосий тантаналарига тайёргарлик хусусида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, Наврўз умумхалқ байрамини катта-ю кичик орзиқиб кутмоқда. Бу йил ҳам байрамнинг асосий тантаналари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтади. Айни кунларда бу ерда қизгин тайёргарлик кетмоқда. Хусусан, лойиҳалаш ҳамда курувчилар томонидан сахнани тартибга келтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Халклар дўстлиги саройида Қорақалпоғистон ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган этнографик бадий жамоалар, ҳаваскорлик ансамбллари Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Марат Азимов бошичилигида халқ фольклор санъати асосида катта дастур тайёрлашмоқда. Байрам томошаларида келажакимиз давомчилари бўлмиш болажонларнинг чиқишлари ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Бугунги кунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис спортга ихлос қўйган ёшлар сахнада ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Ҳозир «Ёшлик» спорт аренасида балетмейстер Насиба Мадраҳимова раҳбарлигида «Томоша», «Болалар», «Се-

винч» каби кўплаб жамоалар, «Туркистон» саройида эса эстрада юлдузлари, ёш ижрочи хонандалар, хореография билим юрти талабалари, эстрада-цирк коллежи ўқувчилари иштирокида байрамнинг эстрадала қисмига тайёргарлик бормоқда. Шунингдек, «Пахтакор» марказий стадионида 3000га яқин олий ўқув юрти талабалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларидан иборат катта гуруҳ рақс ва хореография композицияси устида балетмейстер Марат Ҳасанов раҳбарлигида қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Бадий фон гуруҳига ўз ишининг билимдони Борис Покровский раҳбарлик қилмоқда.

— «Наврўз-2004» байрам дастурининг алоҳида ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Наврўз тантаналари Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг сценарийси асосида таниқли сахналаштирувчи режиссёрлардан таркиб топган гуруҳ томонидан тайёрланмоқда. Театрлаштирилган сахналар бўйича бош режиссёр Носир Отабоев ва Бахтиёр Ҳамидов. Байрам дастурида халқимизнинг асрий миллий қадриятлари ва аънаналари, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари бадий лавҳаларда ўзининг ёрқин ифодасини топади.

2004 йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Меҳр ва мурувват йили деб номлангани боис, байрам томошала-

рида меҳр-мурувват, саволат сингари гоёлар ёрқин акс этади. Байрам дастури етти қисмдан иборат бўлиб, ундан кўплаб янги шеър, кўшиқлар, миллий рақслар, лаларлар ўрин олган. Байрам дастурида жами 8000 нафар қатнашчи иштирок этади. «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақ», «Ўзбектеатр» каби ижодий бирлашмалар, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, турли вазирлик ва идораларга қарашли ижодий ва бадий жамоалар шулар жумласидандир. Бош расм Расид Бойишев бошчилигидаги мусаавирлар гуруҳи яратган эскиз ва макетлар асосида тантаналар ўтайдиган жойдаги улкан амфитеатр ва сахнани безатиш ишлари давом этмоқда. Шу билан бирга махсус гуруҳ томонидан овоз кучайтириш ва бошқа техник воситалар соزلанмоқда. Байрам либослари эса шодиёна руҳда байрамнинг гоёлигига мос равишда Севара Зунунова ҳамда Нодира Ашрапова каби моҳир дизайнерлар томонидан танланган.

— Маълумки, шахримизда турли миллатларга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Байрам томошаларида шахримизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари бадий жамоалари ҳам қатнашадими?

— Наврўз республикамизда яшаб, фаолият кўрсатаётган барча миллатлар байрамидир. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари учун Наврўз миллатимиз қатори бирдай умумхалқ байрамига айланиб қолган. Миллатлараро дўстлик гоёлари акс этган томошалар миллий маданият марказлари томонидан тайёрланган байрам дастуридан ўрин олади. Ҳозирги кунда ушбу марказларнинг бадий жамоалари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Барча ижодий гуруҳлар байрамини ҳар йилдагидан ҳам шодиёна руҳда ўтказиш учун бутун куч-ғайратларини, истеъдоду маҳоратларини ишга солмоқдалар. Мақсадимиз баҳор, Наврўз байрамини кўнгилдагидек нишонлаш, юртимизга, халқимизга хуш қайфият ва қувонч улашиш.

Дилором ИКРОМОВА  
сухбатлашди

## Тошкентим — боғу бўстоним

### БАҲОРГИ ИШЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Юртимизда фасллар келинчаги ҳисобланмиш баҳор нафаси уфурмоқда. Азалий аънаналаримиздан бири — ҳар бир фуқаро ўз уй-жойидан бошлайдиган, кўча, хиёбон, маҳалла-кўйларда, қўйинги шахримизнинг барча бурчакларида орасалаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш юмушлари бошланиб кетди. Яккасарой туманида ҳам баҳорий ишлар қизгин паллага кирган.

— Кўклам дарахт экиш учун энг қўлай мавсум, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Абдор Ақромов. — Экилган дарахт ва гуллар эзгулик рамзи бўлибгина қолмай, балки она табиатимиз муссафоллигини таъминлаш, автомобиллар шовқинини камайитиришга ҳам хизмат қилади.

Баҳорги мавсумий ишларга бошқарманинг 280 нафар ғайратшижоатли ишчилари жалб этилган. Айни кунларда 400 та доимо яшил туровчи арчасимон дарахтлар Кичик халқа йўли, Бобур кўчаси ҳамда Шарқ эртақлари хиёбонига экилди. Шунингдек, туманда Фарҳод кўчасига 100 та зананг, академик Сироғиддинов кўчасига эса 100 тул меваги дарахтлар экилади. Бу ишларнинг 15 мартга тугалланиши мўлжалланган.

Бобур кўчасидаги болалар майдончаси таъмирланиб, тартибга келтирилди, дарахт кўчатлари ҳамда бутасимон ўсимликлар кўчатлари ўтказилди. «Мовий гўмбазлар» хиёбониди ҳам кенг микёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хиёбонда гул ва майсаларни суғоришга мўлжалланган сув пурақачилар ўрнатилди, ариқ шохчалари тозаланиб, ахлатлар олиб кетилди. Хиёбонга олиб борувчи йўлақлар таъмирланиб, қисман асфальтланди.

Туман ободончилари Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Наврўз байрами арафасида очилган Низомий хайкали атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини қизгин олиб бормоқдалар.

Режага кўра, туман ҳудудида 50 мингта гуллар: атиргул, настирин, ялангул каби бутасимон ўсимликлар ҳамда тугмача, петунья, агератум, тагетис каби мавсумий гуллар экилади. Шахримиз ландшафти, яъни хиёбон, кўчалари ва йўлакларини ўзига хос тарзда ўсимликлар ёрдамида дид билан безатишга эътибор кейинги йилларда анчагина кўчиди. Айниқса, йўлақлар атрофи кўм-кўк майсалар билан қопланиб туришига диққат қаратилмоқда.

Мазкур туманда буортма асосида тайёрланган катта бетон, пластмасса тувакларга турфа гуллар ўтказилди. Жумладан, шохбеклар, бекатлардаги соябон, ўриндиқлар чиройли рангларда бўлиб, орасаланишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Хуллас, ободончиларнинг барча саъй-ҳаракатлари туманни янада обод ва гўзал қилиш ҳамда уни озода, кўркем масканлардан бирига айлантиришга қаратилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Мамлакатимиз тараққиёти, давлат ва жамият тизими ривож ва янгиланиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жаҳалардаги ислохотлар жараёни янада чуқурлашишида фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси шу кунларда таркибий-тузилмавий фаолият юритмоқда.

Сиёсий майдонга янги куч сифатида кириб келган ушбу партиянинг сафлари жадаллик билан кенгайиб бормоқда. Ташкил топганига атиги тўрт ой бўлаётганига қарамастан, фаолияти иқтисодиётнинг устувор йўналиши — тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари тузилиб, айни пайтда жойларда бошланғич ташкилотларга ҳам асос солинмоқда. Жумладан, Тошкентда партиянинг шаҳар ва 11 та туман бўлимлари ташкил топди, бошланғич тузилмаларини тузиш юзасидан ҳам ишлар фаоллик билан олиб бориладими.

— Таъкидлаш жоизки, бу борада ишбилармонлик руҳи корхона ва ташкилотлардан кўра маҳаллаларда айниқса сезиларли ва бунда тадбиркорларнинг бевосита иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди партиянинг Мирзо Улуғбек тумани кенгаши

раиси Насрилло Абдувалиев. — Ҳайламанки, бунинг ўзига яраша сабаби бор — тадбиркорлар ҳақиқатан бизнинг сиёсий ҳаракатга биринчи кунларданоқ катта ишонч билди-

## Сиёсий партиялар ҳаётидан

### МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ — ИШОНЧ

ЖОЙЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

риб, Ўзбекистон либерал-демократик партиясини уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила оладиган куч деб тан олишмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда улар ўз ҳошишлари билан тарбиёт-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришмоқда. Очиғини айтиш керак, бугунги кунда одамларни фақат сўз бериб бирон-бир нарсага ишонтириш осон эмас. Лекин тадбиркорларимиз бунга амалий иш билан исботламоқда. Партиямиз сафига бизнесга алоқадор бўлмаган кишилар кириб келадигани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Бу

борада, масалан, мактаб, ўрта-маҳсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари, талабалар, ҳаттоки пенсияонерлар партияга аъзо бўлиш ниятини билдиришмоқда. Бунинг боиси — ўз интилишларини улар янги сиёсий партия тадбиркорларнинг ҳақиқий қўллаб-қувватловчисига айланиши, бу дегани иқтисодий ривожланиш изчил ва жадал суръатларда олиб борилиши, пировардида ижтимоий масалалар ҳал этилишига замин яратилиб фаровонлик даражаси янада ошишидан далолат, деб тушунтирадилар.

Мирзо Улуғбек тумани кенгаши маълумотига кўра, шу кунга қадар янги партиянинг бошланғич ташкилотлари 34 маҳалла ва 10 дан зиёд корхона ва ташкилотларда тузилган, бу эса партиянинг туман бўлими 300 дан кўп аъзоларга эга бўлди деганидир. Тўғри, буни ҳали унчалик кўп деб бўлмайди, бироқ дастлабки босқичда муҳими, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, одамларнинг ишончи. Аммо янада бир муҳимроқ вазифа борки — у ҳам бўлса кўпчилик ишончини оқлай олишидир. Янги партиянинг етакчилари ўз зиммаларига юклатилган бундай масъулиятни чуқур англаган ҳолда юртимиз равнақи йўлида бор куч-ғайратларини аямасликларига ишонамиз.

Ильмира ШАРИПОВА

**Маълим**

**ЯРИМ АСРЛИК  
ФАОЛИЯТ**

Бундан 50 йил аввал Тошкент Давлат педагогика университетидида қозоқ филологияси бўлими очилган эди. Олий ўқув юртининг ўзбек тили ва адабиёти факультетидида фаолият кўрсатиб келаётган бу бўлим ярим аср мобайнида ҳар томонлама мустақамланди.

Бу орада унда икки мингдан ортиқ толиби илм тахсил кўриб, қозоқ тили ва адабиёти мутахассислари бўлиб етишти. Бўлим профессор-ўқитувчилари таълимнинг шу йўналишида қатор йирик илмий-методик тадқиқотларни амалга оширдилар. Бу йўналишлар натижаси ўлароқ дарслик ва ўқув адабиётлари юзага келди.

Бўлим кафедра мудири профессор Турдибой Қолдирбеовнинг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти муносиб тақдирланиб, у «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Бўлим фаолиятига 50 йил тўлишига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда кўшни Қозоғистондаги олий ўқув юртлари ва илмий марказлардан ҳам вакиллар иштирок етишти.

**КАТТА ИШОНЧ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси мамлакатимиз олий ўқув юртларида самарали илмий-педагогик фаолият кўрсатиб келаётган бир гуруҳ олимларга профессорлик унвони дипломларини беришга қарор қилди.

Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти энгил саноат технологияси факультетининг декани Х.Комиловага ҳам катта ишонч билдирилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бундай унвон унга Бехзод номидидаги Тошкент расомчилик ва дизайн институти дизайн кафедраси орқали берилди. Зеро, олимпиада бу кафедрани малакали илмий кадрлар тайёрлаш ишига ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**КЕНГАШ  
ТАВСИЯСИ БИЛАН**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тавсияси билан қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари босмага тайёрланди.

Бундай ўқув адабиётлари орасида фуқаро муҳофазасига оид китоблар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги буюртмаси билан ёзилган ўқув адабиётлари ҳам босма юзини кўради. «Фуқаро муҳофазаси» деб номланган янги дарслик эса Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтининг меҳнат муҳофазаси кафедраси олимлари томонидан тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ

**НАЗМ БЎСТОНИДА**

Шоир ва таржимон Носир Муҳаммад (Насриддин Муҳаммадиев) узоқ йиллар «Тошкент оқшоми» газетаси ва «Ёшлик» журналида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлигида ишлади. Эрон ва Туркияда хизмат сафарларида бўлди.

Носир Муҳаммад «Салом, келажак», «Баҳор таронаси», «Сенга интиламан», «Тафаккур учкунлари», «Насаф ва Кеш алломалари» сингари шеърӣ ва илмий-оммабоп китоблар муаллифи. Илк шеърлари «Тошкент оқшоми» газетасида босилган.

**ХУТ ШАМОЛЛАРИ**

Тонгга қадар қилди тўполоқ,  
Эшик-ромни зириллатди Хут.  
Гўё қайтди қадимий тўфон,  
Ҳазин инграр ҳовлидаги тут.

Ниҳолларнинг бардошини синар,  
Учиради ҳар хору хасни.  
Гоҳо ҳориб, бўғиқ хўрсинар,  
Қанотида кўклам нафаси.

Новдаларни қитиқлар майин,  
Жонзотларга бахш этар журъат.  
Шалолалар тошгани сайин  
Уйғонади мудроқ табиат.

Эсаверинг Хут шамоллари,  
Қиш захрини Заминдан қувинг.  
Булулларни ҳайдаб сарсари,  
Кўнгилларнинг зангини ювинг.

Чирой очсин бу Она диёр,  
Кўёшида эриб кетсин ғам.  
Ҳар кунда барқ урсин баҳор,  
Нурли бўлсин келажаги ҳам.

**ОЛАМ ВА ОДАМ**

Нарса йўқким, хорижи олам эрур,  
Ҳар не истарсен, ўзингга жам эрур.  
Жалолиддин Румий

Ҳар одам оламнинг кичик нусхаси,  
Яратмиш Олий зот — борлиқ устаси.  
Ер-кўкда неки бор, Одамзода жам,  
Ҳар инсон ўзича митти бир олам.  
Ер қурраси янглиғ эрур бошимиз,  
Гавҳар тошларидир ҳар бир

тишимиз.  
Кўзларимиз офтоб янглиғ нур сочар,  
Ўзга оламларнинг эшигин очар.  
Сочимиз ўрмонга эмасми мисол,  
Кўз ёшимиз эса ёмғирдан тимсол.

Асаблар нозикдир гарчи қилдан ҳам,  
Турфа хабарларни етказар ҳар дам.  
Томирларда оқар қон мисли дарё  
Вужудга бахш этиб ҳаёт доимо.  
Сўнгра қуйили у юрак — денгизга,  
Вужуднинг меҳвари, қадри

тенгсизга.  
Хаёллар шамолдай елганида гоҳ,  
Пўртаналар қўзғар денгизда ногоҳ.  
Ғазаблар вулқондан эмас асло кам,  
Оташида ёнар гоҳида одам.  
Ахтарсақ топилар яна кўп қиёс,  
Одаму оламга муштарак ва мос.  
Ва лекин топмадим ақлга тараф,  
Замину самога бирма-бир қараб.  
Инсоннинг "сўз" деган мўъжизаси бор,

Эзгу амаллари яна ҳам бисёр.  
Муҳаббати билан у эрур буюқ,  
Жасорати билан у эрур буюқ...  
Одамга боқмангиз паст назар билан,  
Вужуди — илоҳий туйғуга ватан.  
Кўз юмса, ўлмагай ёлғиз бир одам,  
У билан мангуга кетар бир олам.

**АМИР ТЕМУР  
ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА**

Соғиниб яшадик сизни бир умр,  
Сигиниб яшадик сизга бир умр,  
Қадамингиз қутлуг бизга бир умр,  
Мармардан тикланган бу тахт муборак.

Босқинларда қаддин букмади элим,  
Офатлардан омон чиқди-ку тилим,  
Сиз очган йўлларнинг давоми йўлим,  
Бобомерос журъат ҳам аҳд муборак.

Нурли уфқларни кўзлар кўзимиз,  
Жаҳон минбаридан янграр сўзимиз,  
Қисмат кишварига бекмиз ўзимиз,  
Шу илоҳий незмат, шу бахт муборак.



Довругини тиклар Она Туркистон,  
Бирликка чорлайди шидлаткор

замон,  
Қонимизда жўшар у туркий тугён,  
Эзгу йўлда ғайрат ҳам шаҳд муборак.

Истиқлол қўёши сочмоқда зиё,  
Бахтимизни қутлар дўст-ёру ошно,  
Кундан кун келиндай ясанар зебо —  
Сиз бағрига қайтган пойтахт муборак.

**ЮЛДУЗЛАР СЎНМАГАЙ**

Муҳаммад Юсуф, Муҳриддин Холиқов ва Охунжон Мадалиевлар хотира-сига

Юлдузлар сўнарми ҳеч замон?  
Баҳорда не қилур шум хазон?  
Қайдасиз, соғиндик, ёнди жон,  
Муҳаммад, Муҳриддин, Охунжон.

Саҳналар сизларга муштоқдир,  
Минбарлар шоирга нигорон.  
Келмайсиз, йўлингиз йироқдир,  
Муҳаммад, Муҳриддин, Охунжон.

Юрт билан бўлдингиз ҳамқадам,  
Дилларда қурдингиз ошиён.  
Шоғирдлар бўзлайди, кўзда нам,  
Муҳаммад, Муҳриддин, Охунжон.

Юлдузлар сўнмагай ҳеч қачон,  
Урмимиз айлағай нурафшон,  
Номлари тилларда ҳар замон:  
Муҳаммад, Муҳриддин, Охунжон.

**Анжуманлар**

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

2004 йилнинг сайловлар йили деб аталиши бежиз эмас. Хусусан республикамизда йил охирида ўтадиган парламент сайловлари ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутиши табиий.

Яқинда бўлиб ўтган Собир Раҳимов туман ҳокимлигида шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Фридрих Эберт жамғармаси, «ELNAJOT» нодавлат, нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзусидаги икки кунлик семинар ҳам ушбу долзарб мавзуга бағишланди.

Семинар очилишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Собир Раҳимов тумани ҳокими Атҳамжон Миржалилов, Фридрих Эберт номли жамғарманинг Марказий Осие бўйича ваколатхонасининг раҳбари Райнхард Крум, «Элнажот» ННТнинг раҳбари Муаттар Пўлатовалар сўз олиб, сайловлар олдидан бундай семинарларнинг ўтказилиши муҳим экани, давлат ва жамиятда аёлларнинг ўзига хос ўрни, мавқеи борлигини таъкидлашди.

— Президентимиз ва давлатимиз

томонидан аёлларга барча жабҳаларда фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилган, — деди жумладан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Дарҳақиқат, аёллар улуғланган юртнинг эртаси нурли, келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Бугунги кун аёли жамият ҳаётида фаол, тadbиркор, ўз ҳақ-хуқуқини яхши биладиган, хуқуқий саводхон, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни яхши тушунадиган, интеллектуал салоҳиятли, оилада, маҳаллада, иш жойида ўз ўрнига эга бўлиши керак.

Мустақил юртимиз хуқуқий демократик давлат қуриш йўлида собит қадамлар билан борар экан биз аёлларнинг сиёсий жиҳатдан етуқ, қонунчилигимизни мукамал биладиган, бугунги кун талабини тўғри тушуна оладиган, кенг салоҳиятли, меҳр-муруватлилик, садоқатлилик тимсоли сифатида маънан камолотга етишлари йўлида иш олиб

боришимиз, фаоллигимизни ошириб, керак бўлса ҳар бир маҳалла ва оилга кириб боришимиз лозим.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Хўжаева — «Ўзбекистонда сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари», «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятининг раиси, шаҳар кенгашининг депутаты Саида Фаниева — «Аёл— тadbиркор— раҳбар — депутат», Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг доценти, филология фанлари номзоди Зулфия Тўхта-хўжаева— «Лидер аёлларни тайёрлашда нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг фаолияти» тўғрисидаги мавзулар бўйича сўзга чиқдилар.

Анжуман давомида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси шаҳар Кенгашининг аъзоси, юридик фанлари номзоди Зиёдулла Убайдуллаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов тумани кенгашининг биринчи котиби Аваз Саидов ҳамда «Фидеокорлар» миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Акмал Ақромовлар «Сайловларни ўтказиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни» ва «Сайловолди дастурини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари» мавзулари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шахло МАҲМУДОВА



Шарқ дурдоналари

**03-03 Урганчиб**  
**Домо бўлур...**

● Гийбатчининг қилган гийбати ҳеч вақт пинҳон қолмайди, бу гийбат охири гийбат қилинган кишилар қулоғига етади. Натижада гийбатчининг сирини кундан-кунга очилаверади ва обрўйи пастлайверади. Эй азизим, ҳар нарсага бир кири бўлганидек, тилнинг кири гийбатдир. Гийбат сўзлари бировга нисбатан бўлган хийла ва ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишиларнинг одатидир.

Сен имкони борича бу ёмон фелъдан қутулиш йўлини қидир. Донолар айтадиларки, гийбатчи ҳеч қачон мақсадига етмайди, ҳосил бодидан умид гулини теролмайди.

Байт:  
**Биродар, ҳар кимки айласа гийбат, Лойикдир ундайга дейилса лаънат. Кир изловчи жойи жаҳаннам бўлар, Гийбатчига билсанг бу ҳам кам бўлар.**

● Хокисорлик фозил кишилар хислати ва камтарлик доно кишилар фазилатидир. Айтишларича, тупроқда шундай хислат бор: унга дона ташласалар бошоқ беради, бошоқ ташласа хирмон ҳосил бўлади. Эй азиз, тупроқ бўл, токи сендан гул униб чиқсин!

**ХИКОЯТ:** Бир куни тароқ билан ойна узаро бахшлашиб қолдилар. Тароқ таъна билан оғиз очиб деди:

— Эй, худбинлик манбаи, эй, ҳар ерда санкиб юрувчи пасткаш тошдил, мен билан одоб тутиб гаплаш, ўз сирингни ўзинг беҳуда очма! Гарчи кўринишдан тиниқ сув каби покиза кўринсанг ҳам, аслида бир саробсан! Қаерда бўлмагин, кимки сенга бир бор бокса ўша билан тил топишиб кетаверсан! Шунинг учун ҳам бир шоир куйидаги байтни тўғри айтган:

**Қарагил, бу чинни ойна синди, Хўл бўлди, манманлик асқоби тинди.**

Ойна тароқнинг гапларини эшитиб, унга шундай деди:

— Эй, тили узун, оғзи сўкилган эй, багри тилинган қуруқ ёғоч, ҳар кимнинг ишига беҳуда хаёл билан эмас, чуқур тафаккур билан қара! Мен бир парча темиру ойна бўлсам-да, гоят камтар ва хокисорлигимдан маҳбуб жамолига етдим. Сен эса Заҳҳок каби ёмонлигинг учун бўйинингга иккита қора илон (соч ўрими) ўралиб олган, бахти қаро бўлганинг учун ҳам қора нарса ичида пинҳонсан! Шунинг учун маҳбубларнинг боши устига чиқиб олсанг ҳам, тўнтариллиб, оғзинг ерга қараб, оёвинг осмонга бўлиб туради. Билгинки, ким нима яхшилик топган бўлса, камтарликдан топган!

● Беҳуда ва бемаврид куйли ёмон оқибатларга дучор қилади. Ғунча чаманда беҳуда кулгани учун ел уни поралаб кетади.

Байт:  
**Бир кун гулоб олиш учун боргандим, Кизил гулни ўтда кўрдим, дедим: «Нима қилган эдинг куйдиришмоқда?» Деди: «Чаманзорда бир дам кулгандим!»**

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда **Вазирлар Маҳкамасининг "Нихоқланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**ОИЛА - МУҚАДДАС**

Унда Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари иштирок этишди.

"Нихоқланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарорда оила қуриш учун ариза топширган ёшлар ниҳогча тўла тиббий кўрикдан ўтишлари шартлиги белгилаб қўйилган. Авваллари бу кўрик ихтиёрий тартибда ўтказилган бўлса, эндиликда бу талабларнинг бажарилиши мажбурийдир. Бу эса барпо этилаётган оиланинг мустақкам бўлишига хизмат қилади. Семинар иштирокчилари ёшларнинг ниҳогча тиббий кўрикдан ўтмас-

лиги оқибатида ногирон болаларнинг сони ортиб бораётганлигини таъкидлашди. Қолаверса, айнан шу сабабли ёш оилалар бўзилиб кетмоқда. Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими бошқармаси қарордаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун адлия, тиббиёт ходимлари иштирокида ўқув муассасаларида тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Тадбир давомида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам муҳокама этилди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА**

**ЖУРНАЛ ТАҚДИМОТИ**

**Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Миллий маркази томонидан "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг гендер тенглиги масалаларига бағишланган сони тақдимоти ўтказилди.**

Тақдимотда гендер тенглиги ва жамиятда хотин-қизларнинг маъқени ошириш соҳасида ишловчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар вакиллари ва журналистлар қатнашди.

"Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журнали 1998 йилдан буён нашр этилади. Журналнинг дастлабки сонларидан бошлаб "Аёллар олами", "Хотин-қизлар ва дунё" рўкни остида жамиятимизда хотин-қизларнинг тутган ўрни, бу соҳадаги ютуқ ва муаммолар, уларнинг маъқени билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ёритиб келинмоқда.

"Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг мазкур сонида ҳозирги кунда жамиятимизда аёлларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ўрни, бу борадаги фаолиятни янада ривожлантириш тўғрисида ҳикоя қилинади. Унда

Республика Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидованинг "Инсон ҳуқуқлари ва гендер жиҳатлар", ЎзФА академиги Раёно Убайдуллаеванинг "Ўзбекистон хотин-қизлари ва жамиятни демократиялаштириш", Нигина Раҳимованинг "Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши шароитларида аёлларни иш билан таъминлаш муаммоси" каби мақолалари, марҳума шоира Зулфиянинг эсдаликлари, рангасвир устаси А.Аматовга ижодига бағишланган мақолалар эълон қилинган. Барча материаллар аёл олимлар, тадқиқотчилар ва шоиру адибаларнинг илмий ҳамда амалий қизиқишлари йўналишларини, Ўзбекистон фани, ижодий ва ижтимоий ҳаётига қўшган ҳиссасини акс эттиради.

**С. НАЗАРҲУЖАЕВА,**  
**"Туркистон-пресс"**

**Заҳматкашларимиз**

**ИБРАТ ИЗЛАГАНГА ИБРАТДИР ДУНЁ**

**Камтарин, ўз касбида садоқатли, заҳматкаш инсонлар борлигини эшитганда хурсанд бўламангиз албатта. Айниқса саломатлигимиз посбонлари бўлган шифокорлар, тиббиёт ходимлари ҳақида ҳам шундай илқ фикрлар билдирилса, қалбимиз офтобдай ёришиб кетади.**

Бутун умрини халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга бахшида этган Тўлқин ака Иноғомовнинг ҳаёт йўллари билан танишар эканмиз юқоридаги фикрлар ҳаёлимиздан ўтди. Тўлқин Иноғомов 1956 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг битиргач Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида оддий шифокорликдан иш бошлаб, кейинчалик худудий тиббиёт бирлашмаси мудирлиги этиб тайинланди. Шу давр мобайнида у ўзининг яхши ташкилотчилигини кўрсатди. Унинг бошчилигида 50 ўринли касалхона қурилиб, туман касалхонасида ўринлар сони кенгайтирилди ва эпидемияга қарши хизмат яхшиланди. Шундан кейин Тўлқин аканинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолияти қўзғин тус олди. Мирзачўлдаги тиббиёт санитария қисмига раҳбар этиб тайинланди. Бу ерда ҳам ўзининг малакали мутахассис эканлигини намойён этди. Тўлқин ака раҳбарлигида тўртта чўл туманида даволаш-санитария бирлашмалари ташкил этилди, ошхона, сил касаллигига қарши диспансер, поликлиникалар, тез ёрдам станцияси, Янгигер шаҳрида эса 100 ўринли янги касалхона бунёд этилди.

Шундан кейин Тўлқин ака яна бир неча жойларда, яъни «ЎзНИИЭМИЗ» шифохонасида, Қўрай туманидаги сил касалликлари санаториясида бош шифокор вазифасида фаолият кўрсатиб, у ерда ҳам 150 ўринли шифохона бунёд этилишида ташаббускорлик кўрсатди, республика рўҳий касалликлар шифохонасида бош шифокорлик даврида ҳам учта бино, дорихона ва қабул бўлимлари барпо қилинишида бош-қош бўлди. Тўлқин аканинг умр пиллапояларидан ўрин олган бундай хайрли меҳнатлари, ташаббуслари таҳсинга лойиқ. Албатта, бутун ёшлиги, куч-қуввати, бор тажрибасини халқимиз саломатлиги йўлида сафарбар этган бу камтарин, заҳматкаш инсоннинг ҳаёт йўли бошқаларга ибрат бўлса арзийди.

Тўлқин ака 1992 йилдан то ҳозирги кунгача Сергели туманидаги 2-бирлашган шаҳар касалхонасида бош шифокор вазифасида меҳнат қилиб, бу даргоҳда ҳам шу ўтган йиллар мобайнида даволаш-профилактика ишларининг яхши йўлга қўйилишига ҳаракат қилди. Касалхонани замонавий тиббий

анжомлар ва усқуналар билан таъминлади. — Меҳнатинг қадрини атрафлаги одамларнинг миннатдор қиёфаларидан билиш мумкин. Мен ўтган умримга ачинмайман, чунки у беҳуда ўтмади, десам бўлади,— дейди Тўлқин Иноғомов. — Касбим тақозоси билан кўп жойларда бўлдим, турфа хил одамлар билан танишдим. Қўлимдан кел-



ганча уларга яхшилик қилишга интилдим. Инсон сабр-қаноатли бўлиши, ўз мақсади сари интилиб яшати керак. Ана шунда ўз орзу мақсадига эришар экан.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар бизнинг касалхонамизда ҳам кенг тус олган. Касалхона 1962 йилда ташкил топган бўлиб, Сергели ва Миробод туманлари аҳолисига хизмат қилади. Бу ерда асаб, юрак-қон томир, даволаш, ички касалликлар, жарроҳлик бўлимлари мавжуд. Булардан ташқари пуллик хизмат бўлими, дорихона ҳам мавжуд. Поликлиника қошида кундузги 15 ўринли

шифохона ҳам беморлар дардини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Шунингдек Меҳмуроват йили муносабати билан худудимиздаги 20 дан орტიқ кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига алоҳида шифокор ва ҳамширалар бириктирилган. Улар ҳар ўн кунда бу оиладаги беморлар аҳволидан хабар олиб, бепул даволаб, дори-дармонлар билан таъминлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам Тўлқин Иноғомов бош бўлган касалхонада аввало тартиб-интизом кучли. Бу ерда айниқса беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳаммаёқ озода, саришта. Айниқса беморларга ўз вақтида эътибор қилиб, уларнинг саломатликларини тез-тез назорат қилиб, ширин муомаласи билан доимо уларнинг қошида гамаўрлик кўрсатаётган шифокору ҳамширалардан кўпчилик миннатдор. Касалхонада профессор Фарҳод Довудов, жарроҳ Адолат Пиралиев, Дилфуза Зухридинова, Марям Қанпова, Тамара Рузасева, Мирусмон Мирғёёсов сингари мадакалаи, ўз касбига садоқатли шифокорлар билан бирга тажрибали, чаққон ва ширинсўз ҳамширалар Зухра Тожиева, Наиля Сурина, Татьяна Элбакидзе, Матлуба Жамиловаларнинг меҳнатларини алоҳида таъкиллаш жоиз.

— Мен Тўлқин акани ўзимга устоз деб биламан. Ўн йилдан буён шу касалхонада ишлаб у кишидан жуда кўп нарсалар ўргандим, — деди касалхонанинг даволаш бўлими мудирли, олий тоифали шифокор Мирусмон Мирғёёсов. — Тўлқин аканинг энг яхши хислатлари аввало инсонийлик, тўғрисузлик, ҳалоллик, самимийлик, шу билан бирга беморларга ширин муомалада бўлиб, уларга тўғри таъхис қўйишдан иборат. Биз ҳамкасблари ва шоғирдлар у кишининг ушбу фазилатларига ҳавас қиламиз ва ибрат олишга интиламиз.

«Мустақиллик» медали нишондори, олий тоифали шифокор Тўлқин Иноғомовни ҳамisha шифокорлик қасамига содиқликини ҳаётининг широрига айлантирган, дейиш мумкин. Рафиқалари Машхура опа билан тўрт фарзандни қамол ва етук инсон қилиб тарбиялашди. Бутунги кунда фарзандлари ва набираларининг ҳурмату эъзозидлар. Ўз касбига меҳр қўлиб, 72 ёшда ҳам эл соғлигига қамарбаста бўлиб келаётган Тўлқин акадек шижоатли, заҳматкаш инсонлар орамизда кўпайиб борсин.

**Гулором Ҳамидова**  
**СУРАТЛАРДА:** Тўлқин Иноғомов (ўртада) ҳамкасблари давралари; бош шифокор ўринбосари Гулзора Рузасева ва тиббиёт фанлари номзоди Дилфуза Зухридинова бемор аҳволини назорат қилишмоқда.  
**Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.**

**Шифобахи  
қисмликлар**

**ЛОВИЯ**

**Ловия мошдан  
кўра тезроқ ҳазм  
бўлади ва озиқлиги  
ундан кам эмас.  
Кўкрак ва ўпка учун  
яхши.**

Қуюқ хилт пайдо қилади. Ҳардал ва шунингдек туз қўшилган сирка, мурч ва каклик ўти унинг зарарли таъсирига тўсқинлик қилади.

Ловияни, айниқса қизил хилини Рум сумбулининг ёғи билан аралаштириб ейилса, ҳайз қонини кеткази-ди.

**НҲҲОТ**

**Ўзига ўхшаганлар  
ичида ўпкани бун-  
дан-да озиқлантира-  
дигани йўқ. Нўхотни  
ейиш ва ундан мал-  
ҳам қилиб суртиш  
нуқтали қонталаш-  
ларни кеткази ва  
рангини яхшилайди.**

Нўхот ёғи темир-ат-кига фойда қилади. Нўхот ёмон хил яраларга, қичмага ишлати-лади. Унинг бошдаги рутубатли тошмаларга фойдаси катта. Нўхот ивтилган сув эса тиш оғриғига ва милқдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойда қилади. Қулоқлар остидаги шишларга ҳам фойда-си бор. Товушни қат-тиқ ҳамда ўпкани ҳар нарсадан ортиқ озиқ-лантирувчи ҳамдир. Шунинг учун нўхот уни-дан холвайтар қилина-ди.

Нўхот қайнатилган сув сариқ касалига фойда қилади. Айниқ-са, ун, қора ёввойи яс-миксимон уни томоқ ва жигар тўқималари-ни очади. Нўхотни та-омнинг аввалида ва охирида эмас, балки ўртасида ейиш керак.

Қора нўхотнинг қай-натмаси бодом ёғи, турп ёғи ва петрушка ёғи билан қўшиб иш-латилса, қовуқ ва буй-ракдаги тошларни майдалайди. Нўхот қовуқ яраларига зар-рарлидир. Нўхотнинг ҳамма хили ични юм-шатади.

Букротнинг айтиши-ча, нўхотда икки мод-да бордир. Булар: қай-натиш билан ундан аж-ратилади. Бу модда-ларнинг бири тузли модда бўлиб, ични юм-шатади, иккинчиси эса ширин модда бўлиб, сийдикни ҳайдайди.

**Баҳор илҳомлари**

**СУМАЛАКТОШ**

**Қатра**

Олов гуриллайди.  
— Хай, овсинжон, хушёрроқ туринг, тошиб кетмасин!

— Хидининг ширинлигини, оҳ-оҳ, нариги маҳаллага етди-ёв...

— Рангини қаранг, чирой-ли чикапти...

— Кўз тегмасин, деб гапи-ринг, оловси...

Муниса шўх, шаддоқ кўшилариининг чин-ҳазил гап-ларини эшитиб, лабининг бир чети билан жилмайганча жим ўтирарди. Сўрида ошга сабзи тўграётган аёллар чилдирма чалиб, ашула бошладилар:

**Карима кўйлак кияди,**

**омонёр,**

**Этаги ерга тегади,**

**омонёр.**

**Шу замоннинг қизлари,**

**омонёр,**

**Тегмаганга тегади,**

**омонёр...**

— Мунисахон, туринг, бо-лам, сиз оловдан олисроқ ўти-ринг, ўзингизни эҳтиёт қилинг, — деди маҳалла қай-вониларидан бири. Муниса энтикди. У ўзи ҳам доғли юз-ларни, хиёл тўлишиб қолган гавдасига қараб оловдан узок-роқ ўтириш кераклигини би-ларди. Аммо пуфакчалар чиқа-риб қайнаётган сумалак олди-да ўзини қарздор сезар, то тонггача унинг бошида туриб хизмат қилиб чиқиши керак-

дай туюларди.

Чунки у беш йил фарзанд кутди. Кимдир унинг гўдаклар-ни кўрганда алланечук мунг-га тўладиган кўзларига ачиниб қарар, кимдир: «Тугмасе нима қилади эрининг бахтини боғ-лаб?» — дер эди.

Муниса ҳаммасига чидарди. Баъзан «Бор-ей!» деб этак сил-кигиси, чиндан ҳам кўч-кўро-нини кўтариб уйига кетгиси келарди.

Аммо эрини — умид билан бир ёстиққа бош қўйган киши-сини кўзи қиймасди. Шундай икки хаёлда юрган кунлари-нинг бирида ишдан қайтаётса, ховли-да, худди мана шу жой-да кўшиллар сумалак пишира-япти. Момосининг бир гапини эслади:

— Тоза, пок бўлиб сумалак-ка тош ташлаб, ихлос билан ни-яат қилса, ижобат бўлади.

Муниса қозон ёнига борги-си келди. Тили ўткирроқ хот-тинлардан хайикди:

— Сумалак — жуда нозик нарса. Ҳар кимга ҳам капкир ушлатаверманлар! — деб юборишса-чи, ахир «тугмас» деган оти бор...

Аммо шу пайт кўшни йўлак-да турадиган бийрон қизча Гули рўпарасидан чиқди:

— Кеннойи, мана, сумалак-ка тош териб, ювиб чиқаяпман. Катта ойим тайинладилар. Юринг, сиз ҳам тош ташланг...

— Мен...

Муниса иккиланди. Гули

қўлидан ушлаб тортқилади. Аёллар келинг, келинг, қилишди.

— Мана, бу сизга. Гули кафтчасидан тош тўкиб берди. Муниса ташлади, кўзларига ёш келиб, бўғизи ачишди.

— Худое худовандо, қатор-дан кам қилмагин... ич-ичидан товушсиз илтижо қилди у. Сўнг... худди ҳозир қахрабо-ранг сумалак ичидан жажжи ўғил ё киз чиқиб келадигандай тикилиб қолди...

...Мана, орадан бир йил ўтибди. Тасодифми, Аллох-нинг мўъжизасими... кузда кўнгли довучча тусади, мана баҳорга, Наврўзга келиб қадам ташлашлари оғирлашиб қол-ди.

— Мунисахон, ҳалиям шу ердამисиз, қани, сўрига ўтинг, у ёқдаям юмуш кўп, тагин Наврўзми, Наврўзбой шоши-либ дунёга келиб қолмасин, ҳар нарсанинг ўз вақти яхши... яна қайсидир жонсарақ аёл уни четга ундади. Муниса су-малактошга қарай-қарай қозондан узоклашди. Унинг хаёлида тош капкирга тегиб дунёдаги энг гўзал қўшиқни куйлаётгандай эди.

**ЭЛЧИ ГУЛ**

Арзимаган баҳона сабаб билан улар айтишиб қолишди. Иккови ҳам ёш, гурурлари баланд эди. Ҳеч қайсиси би-ринчи бўлиб гапиргиси, ён босгиси келмасди. Кунлар ўтиб борар, баҳор баҳорлиги-

ни қилаётган эди. Хаводан кўкат, гул ислари гуркирар, мусичаларнинг «ху-ху»лари, қалдирғоч «вижир-вижир»ла-рида муҳаббатга, қувончга чор-лов бордай эди.

Улар кечқурун осмонда юл-дузлар чарақлаганда айри-айри холда деразага келар, дарчани очиб, чирок ёғдусида жимирла-ётган йўлақларга термулишар-ди. Жуфт-жуфт ўтаётганларга ҳавасланиб боқишар, аммо на униса, на буниси:

— Мендан ўтди, узр. Юринг бундай фаслда одам уйга сиг-майди, бир айланиб келайлик, — дея олмасди.

Наврўз арафасига шу қай-фиятда етиб келдилар. Бир кун эрталаб келинчак ўткир хиддан уйғониб кетди. Кўзи-ни очиб, стол устидаги гул-дондаги ял-ял ёнаётган уч дона лолани кўрди. Юраги халприқиб кетди. Апил-тапил юзини ювиб, лолага энгашди, хиди йўғ-у, ширин бир нафа-си бордай эди. Авайлаб кафт-лариди силади.

— Лолажон, хуш келибсан, — дея шивирлади. Хона ҳам сўзни соғинган эканми, жа-ранглаб кетди. Кимнидир қараб турганини сезиб боши-ни кўтарди, остонада эри қараб турарди.

— Сенга Наврўз бобо бериб юборди... деди эри секин.

— Раҳмат. Наврўз бобонинг саховатига қуллук...

Бир нафасдан сўнг уйдан эр-хотиннинг бахтиёр кулгиси эшитилди.

**Қўтлибека РАҲИМБОВА**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОЎНЛАР**


**Баҳор байрамлари арафасида**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
иқтисодий фаолият миллий банки**

**«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади**

**Йиллик даромад 50%**

- пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади
- сақлаш муддати - 45 кун
- бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм



**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ  
ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

**Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали  
ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин  
www.nbu.com**

Шайхонтохур туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Разметов Нуриддин Шакировичга берилган № 768 рақамли Даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш китоби йўқолган-лиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Юнусобод тумани аҳолига маиший хиз-мат кўрсатиш тадбир-корлар уюшмаси» ўз фаолиятини тугатади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 134-23-16 те-лефони орқали қабул қилинади.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА  
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**Спорт**

**ЙЎЛЛАНМАЛАР  
СОНИ  
КЎПАЙМОҚДА**

Маълумки, ҳозирда жаҳоннинг турли мамлакатларида шу йилнинг август ойида Грецияда бўлиб ўтадиган олимпиадага саралаш мусобақалари аини қизгин паллага кирган.

Деярли ҳар haftaда мамлакатимиз спортчиларининг нуфузли турнирларда муваффақиятли қатнашиб, олимпиадага йўлланмалар олишга таянган гувоҳи бўлмоқда.

Сербия ва Черногорияда юнон-рум кураши бўйича уч кун давом этган мусобақалар ўз пўнига етди. Турнир низомига кўра унинг голиблари тўппа-тўри олимпиадага йўл олиш ҳуқуқига эга бўлишарди. Шундай қилиб икки етакчи курашчимиз — Аслиддин Худойбердиев ва Александр Докторовиллар 60 ва 74 килограммгача бўлган вазнларда барча рақибларини доғда қолдирган ҳолда хурмат шохсупасининг энг юқори логосидан жой эгаллашди ва олимпиадага мамлакатимиз спортчилари олган йўлланмалар сонини яна иккитага кўпайтиришди.

**БОКСЧИЛАРИМИЗ  
МУВАФФАҚИЯТИ**

Россияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақада ҳам чарм кўлқоп усталаримизга омад кулиб боқди.

Қизғин шундаки, турнирда қатнашган барча ёш чарм кўлқоп усталаримиз голиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Жулладан И.Рахимов олтин, Э.Расулов кумуш, Ш.Отабоев ва Отаевлар бронза нишонларини кўлга киритиб, мамлакатимизга ёруз юз билан қайтишди.

**КУЧЛИЛАР  
САРАЛАНДИ**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида 1986-1996 йилларда туғилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги каратэ бўйича IV мамлакат чемпионати ҳаяжонли дақиқалар ва қизиқарли учрашувларга бой ҳолда ўтди.

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан таширф бурунган ва шаҳримиз шаънини ҳимоя қилган мингдан ортиқ болалар ва қизлар галаба учун кураш олиб боришди.

Қувонарли томони шундаки, 69 та ҳар хил медалларни кўлга киритган шаҳримиз жамоаси умум-жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон чемпионатининг барча голиблари АҚШда ўтказилган Атланта Кубогида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

(Ўз муҳбиримиз)

Бўка туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳудудига жойлашган 34-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Холматова Турсиной Жумабаевна номига берилган №410575 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Халқлар Дўстлиги саройи жамоаси саройнинг бош муҳандиси

**Саидакбар  
ЖАББОРОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила азолари, қариндошларига чуқур таъзия изхор этади.

**АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!**

**ЯНГИ МАВСУМДАН  
УМИДИМИЗ КАТТА**



Ҳар йили уйғониш, яшариш, янгилиниш фасли бўлмиш баҳорни ўзгача интиқлик билан орзиқиб кутамиз. Нега деганда фасллар келинчагининг ўзгача файзу тароватидан ташқари байрамлари ҳам кўп.

Баҳорнинг илк оғи — мартни олайлик. Хотин-қизлар, Наврўз байрами билан бирга ушбу ойда чарм тўп ишқибозлари футбол байрамини ҳам нишонлайдилар. Яъни, юртимизда ҳар йили шу ойда янги футбол мавсуми бошланиб, чемпионатнинг дастлабки тур учрашувлари бўлиб ўтади.

Бинобарин, **БУГҲУН** мана шундай улкан футбол байрами — мамлакатимизнинг етти йилгўҳида жамоалар сардорлари XIII миллий чемпионат байроқларини кўтаришди. Тошкентда эса иккита уйин ўтказилди. Олий лигада ўзининг илк мавсумини ўтказётган «Локомотив» «Самарқанд» «Динамо»ни қабул қилса, «Трактор» стадионида «Трактор» ва «Пахтакор» учрашди.

Ҳар доимгидек, ишқибозларнинг ушбу мавсумдан ҳам умидлари катта. Шунингдек, таъкидлаш керакки, бу йил катта футбол мамлакатимизга эрта кириб келди. Хусусан, «Пахтакор» январь ойидаёқ МДХ чемпиони Кубогида иштирок этган бўлса, ҳозирга қадар Осиё чемпионлар лигасида Эроннинг «Зобакан» ва Катарнинг «Катар СК» клублари билан иккита уйин ўтказишга улгурди. Шунингдек, финалда «НБУ» Осиё жамоасини енган ҳолда Ўзбекистон футбол федерацияси кубогининг ҳам соҳиби бўлди. Фар-

ғонанинг «Нефчи» жамоаси ҳам муваффақият қозонмаган бўлса-да, Осиё чемпионлари лигасидаги уйинларни бошлаб юборди.

Февраль ойда мамлакатимиз терма жа-

моасига саралаш учрашуви бўлиб ўтади. 6-7 апрель кунлари чемпионлар лигаси доирасида «Пахтакор» ўз майдонида «Ал-Рафа», «Нефчи» эса «Ал-Араби» жамоаларини қабул қилади. 21 апрелда эса жавоб учрашувлари рақиб жамоалари майдонида бўлиб ўтади.

Юқорида, мамлакатимиз терма жамоасининг ироқликлар билан ўтказган дастлабки учрашуви хусусида тўхталгандик. Жаҳон чемпионатида 2-саралаш гуруҳидан ўрин олган бош жамоамиз футболчилари шу йилнинг 17 ноябрига қадар Хитой Тайпейи, Фаластин ва Ироқ термалари билан учрашувлар ўтказиб гуруҳ голиблери учун кураш олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, терма жамоани кучайтириш борасида дастлабки ўзгаришларга ҳам қўл урилди — маслаҳатчи мураббий Тачмурод Агамуродов ўрнига германиялик мутахассис Юрген Геде тайинланди.

Энг муҳими, шаҳримизнинг етакчи жамоалари — «Пахтакор» ва «Трактор» ўз кучли таркибларини сақлаб қолишди. Февраль оғи охириларда Қўрайда бўлиб ўтган машғулотларда терма жамоа таркибидан И.Нестеров, Б.Ашурматов, А.Алиқулов, А.Николаев, Л.Кошелев, Т.Кападзе, Э.Магдиев, С.Жефаров, А.Солиев, З.Тожиев, М.Бикмаев (деярли бутун жамоа!) каби пахтакорчилар ўрин олган бўлса, «Трактор» таркибида ушбу мавсумда Ш.Раимқулов, Д.Ўрмонов, И.Мўминжонов каби мохир футболчилар тўп суради.

Бир сўз билан айтганда, ишқибозу мутахассисларнинг янги футбол мавсумидан умидлари катта. Биз қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган барча жамоаларимизга омад тилаб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ



моаси ироқлик футболчилар билан куч си-нашди.

Бу олис «йўл»нинг бошланиши холос. Жамоаларимиз олдига ҳали кўплаб кескин ва муросасиз учрашувлар турибди. Айниқса, март, апрель ойлари шиддатли беллашувларга бой ўтади. Хусусан, 30 март кунини Ўзбекистон Кубогининг 1/16 финал баҳслари бошланса, 31 мартда Хитой Тайпейи — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида 2006 йилги жаҳон чем-

**ЎЗБЕКИСТОН XIII  
ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА  
ЖАМОАЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ  
ТҲР УЧРАШУВЛАРИ**

<b>1 тур</b> <b>4 март</b>	«Насаф» — «Машғал» «Навбахор» — «Металлург» «Қизилқум» — «Сурхон» «Самарқанд» — «Локомотив» «Сўғдиёна» — «Андижон» «Бухоро» — «Нефчи» «Трактор» — «Пахтакор»	«Сурхон» — «Трактор»
<b>2 тур</b> <b>9 март</b>	«Локомотив» — «Насаф»	<b>3 тур</b> <b>15 март</b>
<b>10 март</b>	«Андижон» — «Навбахор» «Нефчи» — «Қизилқум» «Пахтакор» — «Самарқанд» «Машғал» — «Сўғдиёна» «Металлург» — «Бухоро»	«Насаф» — «Металлург» «Навбахор» — «Сурхон» «Қизилқум» — «Локомотив» «Самарқанд» — «Андижон» «Сўғдиёна» — «Нефчи» «Бухоро» — «Пахтакор» «Трактор» — «Машғал»
		<b>4 тур</b> <b>20 март</b>
		«Андижон» — «Насаф» «Нефчи» — «Навбахор» «Пахтакор» — «Қизилқум» «Машғал» — «Самарқанд» «Металлург» — «Сўғдиёна» «Сурхон» — «Бухоро»

**ТАНИШИНГ, «ПАХТАКОР» — 2004**

Футбол мухлисларини доимо бир нарса — янги мавсумда сеvimли жамоалари таркиби қай тариқа ўзгарди, унга кимлар келдики, қайси футболчилар тарк этгани тўғрисидаги масала қизқитириб келади.

Sevimли жамоамиз «Пахтакор» таркибида ҳам бу йил ўзига хос ўзгаришлар рўй берганини ишқибозларга таъкидлаб ўтамиз. Жумладан, турли сабабларга кўра Я.Крушельницкий, О.Беляков, Д.Досанов, А.Крохмал, А.Қирьбетов, В.Қирьян каби футболчилар бошқа жамоалар сафига ўтишди. «Пахтакор»нинг икки кучли уйинчиси — химоячи Бахтиёр Ашурматов «Торпедо» — «Металлург» (Москва) жамоасидан, ярим химоячи Андрей Власичев эса Калининграднинг «Балтика» клубидан яна қадрдон командалари сафларига қайтишди. Бундан ташқари 2004 йилда пахтакорчилар сафига дарвозабон Юрий Цой («Бухоро» жамоасидан), химоячи Илхомжон Суонов («Машғал» жамоасидан), ярим химоячи чизигида Игорь Михалаток («Черноморец», Украинадан), Вячеслав Пономарев («Қизилқум»дан) тўп суришди.

Жамоа раҳбарияти таркиби эса деярли ўзгаргани йўқ. Жамоа бошлиғи вазифасини Самвел Бабамян бажарса, Тачмурод Агамуродов бош мураббий сифатида футболчиларга техник-тактик жиҳатдан сабоқлар беради. Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийи Равшан Хайдаров «Пахтакор»да ҳам маслаҳатчи мураббий сифатида қимматли маслаҳатларини бериб боради. Бундан ташқари икки нафар мураббий ўринбосарлар таркиби билан ишласа, дарвозабонларга ўзининг бой тажрибаларини Анвар Рашидов ўргатади.

**ЛАТИФАЛАР**

Сиу қабиласи жангчиси қабила бошлиғи олдига келиб деди:

— Ҳозир йигирманчи аср. Қачонгача бобоқалонларимиз одатини қилиб қабиладошларимизга шунақанги узундан-узоқ исм берамиз. Оқ юзлиларнинг исмини қаранг, қисқа, туншунарли. Жон, Билл. Май... Бизда-чи?

— Гапирма. Бизнинг исмларимизда ҳам нафосат бор. Мана мен — Қудратли Айиқ. Жаранглайдими? Ёки менинг хотиним — Югурик Оху. Чиройлими? Ҳайронман, сенга нимаси ёқмашпти. Сассиқ Каламуш?

Бир талаба ўз итини гапиришга ўргатиб миллион доллар ишламоқчилигини

айтди.  
— Бекорчи гап! Гапирдиган ит учун қайси аҳмоқ миллион доллар тўлайди?  
— Аҳмоқ албатта тўламайди. Аммо ишончинг қомил бўлсинки, итларга озуқа ишлаб чиқарадиган ҳар қандай фирма итим тилини тийиши учун тўлайди. \* \* \*

Бир кавказлик киши моллини самолётга чиқаришга уринарди.

— Ҳей-ҳей, самолётга мол билан ҳам чиқадими?  
— қаршилик кўрсатди стюардесса.  
— Вой, қизим, қанақасига мол бўлсин?  
— Сизнингча нима унда?  
— Бу мол эмас, пора! Бу пора эвазига ҳақиқий мол институтга киради.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хаттар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма тибқоб объект усулида босилади.  
5252 нуҳсада босилади. Қўроқ бевими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбоса ашқардорлик компанияси босмахоноси.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.